

## БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ҲАМДА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МЕЪЗОНЛАРИ.

**Қосимова Навруза Таваккалжон қизи**

*University of Business and Science нодавлат олий таълим муассасаси  
педагогика тарбия фани ўқитувчиси йўналиши 23-01 гуруҳ талабаси*

*Илмий раҳбар: Бобаева Зиёдахон Махамаджон қизи*

*University of Business and Science нодавлат олий таълим муассасаси  
Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мақолада бошланғич синфларда математика фанини ўқувчилар билим оладиган манбалар бўйича ўқитиш самарадорлигини ошириш усуллари ҳақида фикр юритилган. Шунинг билан бирга бир нечта усулларни самарали қўллаш мисол тариқасида кўрсатилган.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** метод, суҳбат, тушунтириш, индукция, дедукция, аналогия, таҳлил, синтез, таққослаш, муаммоли, изоҳли, иллюстратив, репродуктив.

**Аннотация.** В статье рассмотрены методы обучения математике в начальных классах по источникам обучения учеников и пути их эффективного использования. Также приведены примеры по применению нескольких методов на практике.

**Ключевые слова и понятия:** метод, беседа, объяснение, индукция, дедукция, аналогия, анализ, синтез, сопоставление, проблемный, разъясняющий, иллюстративный, репродуктивный.

**Annotatin:** There is described in the article the methods of teaching mathematics in elementary grades by learning sources and ways to implementing these effectively. Also, there are provided some examples of these methods implementation in practice.

**Keywords:** method, discussion, explanation, induction, deduction, analogy, analysis, synthesis, comparison, problem, explaining, illustrative, reproductive.

Маълумки, ҳозирги даврда ўқитиш услублари, уларни тизимли равишда бойитиб ва янгилаб бориш масаласи ўқитиш ва умуман, таълим тизимида юқори натижаларга эришишда энг муҳим жиҳатлардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Ўқиш ва ўқитиш методлари эса ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолият усуллари бўлиб, бу фаолият ёрдамида янги билимлар, малакалар ва кўникмаларга эришилади. Ўқитувчиларнинг қобилияти, тафаккури ривожланади. Шунинг учун замонавий фан-техника ва ахборот технологияларининг илғор ютуқлари асосида бойитиб борилган ўқитиш методлари тарбиялаш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда

амалиётда мавжуд бўлган ўқитиш методларидан таълимнинг янги мазмунига ва янги вазифаларига мос келадиганларини онгли танлаб олиш учун даставвал ҳамма ўқитиш методлари ва мавжуд ўқитиш методлари классификациясини қараб чиқиш лозим бўлади. Ўқитиш методлари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил қилиш, рағбатлантириш ва назорат қилишни назарда тутди. Шунинг учун улар уч гуруҳга бўлинади:

- ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш методлари;
- ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш методлари;
- ўқув-билиш фаолияти самодорлигини назорат қилиш методлари.

Ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш методлари бир неча гуруҳга бўлинади:

1. Ўқувчилар билим оладиган манбалар бўйича: оғзаки, кўрсатмали, амалий методлар.

2. Ўқувчи фикрининг йўналиши бўйича: индукция, дедукция, аналогия.

3. Педагогик таъсир бошқаришнинг даражаси, ўқувчиларнинг ўқишида мустақиллик даражаси бўйича: ўқитувчи бошчилигида бажариладиган ўқув иши методи ҳамда ўқувчиларнинг мустақил йиллари методи.

4. Ўқувчиларнинг мустақил фаолликлари даражаси бўйича: изоҳли-иллюстратив, репродуктив, билимларни жумбоқли баён қилиш методи, қисман изланиш ва тадқиқ қилиш методи.

Энди ўқувчилар билим оладиган манбалар бўйича тақсимланган гуруҳни алоҳида таҳлил қилиб ўтсак. Юқорида келтирилганлардан маълумки, булар оғзаки, кўрсатмали ва амалий методлардан иборат эди. Оғзаки методлар қисқа муддат ичида ҳажми бўйича энг кўп ахборот бериш, ўқувчилар олдида жумбоқлар қўйиш, уларни ҳал қилиш йўналишларини излаб топишига кўмаклашиш, умуман олганда ўқувчини оғзаки ишлаш қобилиятини ривожлантириш имконини беради. Бу методлар ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантиришда ўзига хос шароит яратади.

Уларни, яъни оғзаки методларни ҳам алоҳида кўриб чиқсак:

А) Тушунтириш. Билимларни тушунтириш методи шундан иборатки, бунда ўқитувчи материални баён қилади, ўқувчилар эса билимларни тайёр ҳолда қабул қилиб олишади. Ўқув материалининг баёни аниқ, тушунарли, қисқа бўлиши керак. Тушунтириш методидан маълумотлар тариқасидаги назарий материаллар билан таништириш, ўқувчиларга ўқув қуролларини ишлатиш бўйича йўл-йўриқларни беришда фойдаланилади.

Бошланғич математика курсининг бир қатор масалаларини оғзаки тушунтириш усули билан баён қилиш зарур. Оғзаки тушунтириш усулида замонавий ахборот-технологиялари, махсус гаджетлардан ҳам оқилона фойдаланиш мумкин, бу ўқувчиларда математик фигураларни тасаввур қилиш ва уларни англаб етишга катта ёрдам бериши мумкин.

Б) Сўхбат. Энг кўп тарқалган ва етакчи ўқитиш методларидан бўлиб,

дарснинг ҳар хил босқичларида, ҳар хил мақсадларда қўлланилиши мумкин, яъни янги материални баён этиш, мустаҳкамлаш, такрорлашда, уйга берилган топшириқларни, мустақил ишларни текширишда қўлланилиши мумкин.

Суҳбат – ўқитишнинг савол-жавоб методидир, бунда ўқитувчилар ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштирилганликлари ва амалий тажрибаларига таянган ҳолда махсус танланган саволлар тизими ва уларга бериладиган жавоблар йўли билан ўқувчиларни қўйилган таълимий ва тарбиявий масалаларни ҳал қилишга олиб келади.

Ўқитишда суҳбатнинг катехизик ва эвристик суҳбат турларидан фойдаланилади. Катехизик суҳбат шундай саволлар системаси асосида тузиладики, бу саволлар илгари ўзлаштирилган билимлар, таърифларни оддийгина қайта эслашни талаб қилади. Бунда асосан билимларни текшириш ва баҳолаш, янги материалларни мустаҳкамлаш, такрорлаш амалга оширилади. Ўқитувчи ўқувчиларга тайёр билимларни бермайди, балки қўйилган саволлар орқали уларнинг ўзларини олдинги билимлари ҳамда кузатишлари асосида янги тушунчалар, хулосаларга келишига олиб келади. Бериладиган саволлар ўқувчиларнинг фикрлашини фаоллаштириши учун уларни воқеа-ҳодисалар ва далилларни таққослаш, солиштиришга, уларни ажратиш ёки гуруҳлашга, улар орасидаги боғланишларни излашга мажбур қилиши керак. Қўйидаги саволлар ҳудди шунга даъват этади: «Нега?», «Бу нимани англатади?», «Буни бошқача яна қандай қилиш мумкин?», «Буни қандай тушунмоқ керак?» ва ҳоказо.

В) Ҳикоя. Ўқитувчи билимларни тушунтиришни ҳикоя (эртақ) кўринишида амалга ошириши мумкин. Бундан асосан математика тарихининг ривожланиши, ўлчов тизимлари ривожланиши ҳақида ва бошқа математика тарихига оид маълумотларни бериш учун фойдаланилади. Берилаётган ҳикоя бола кундалик ҳаётда дуч келаётган воқеа-ҳодисалар, унсурлар ҳамда уни ўйлантираётган масалалар иштирокида бўлса, албатта унинг самарадорлиги юқори бўлади.

Г) Ўқувчиларни китоб билан ишлашлари. Бу оғзаки ўқитиш методларининг кўринишларидан биридир. Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида фан асосларининг тизимли курси баён қилинади, ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун материал берилади. Ўқитиш жараёнининг ҳамма босқичларида дарслик ва китоб билан ишлаш амалга оширилади, аммо бу иш ўқувчилардан маълум малака ва ўқитувчи ёрдамани талаб қилади. Ўқиш малакаларини эгаллашларига қараб ўқувчиларни китобда берилган матнни мустақил ўқишга жалб қилиш зарур.

Математикада матнни ёки масала матнини ўқиш ўқувчилар учун янги ва тушуниш учун бирмунча қийин, шунинг учун ўқувчининг дарслиқдан нимани ўқиганини текшириш керак. Дарсликларда ҳар бир машқдан олдин берилган кўрсатмаларни ўқишга эътибор бериш керак. Математикани ўқитишда ўқувчиларнинг расмлар, чизмалар ва схемаларни ўқиши уларнинг малакаси, хусусан дарсликнинг асосий мазмунини ташкил қилувчи математик ёзувларни

тушуниш малакасини бойитиб боришда катта аҳамиятга эга. Бунда ишнинг якуни расм, чизма, оғзаки ифодалар, математик ёзувлар ёрдамида янги билимларни мустақил эгаллаш учун дарслик очиб берадиган имкониятлардан фойдаланиш керак бўлади.

Д) Кўрсатмали методлар. Ўқитишнинг бу усули ўқувчиларга кузатишлар асосида билимлар олиш имконини беради. Кузатиш ҳиссий тафаккурнинг кўриниши бўлиб, бошланғич синфларда ундан кенг ва самарали фойдаланиш зарур.

Атроф борлиқдаги предмет, ҳодисалар ва уларнинг турли-туман моделлари, ҳар хил тилдаги кўрсатма қўлланмалар кузатиш объектлари ҳисобланади. Ўқитишни кўрсатма методларини ўқитишнинг оғзаки методларидан ажратиб бўлмайди. Кўрсатма қўлланмаларни намойиш қилишни ҳар доим ўқитувчининг ва ўқувчиларнинг тушунтиришлари билан биргаликда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчининг сўзи билан кўрсатма воситаларидан биргаликда фойдаланишнинг тўртта асосий шакли аниқланган. Математика дарсларида кўргазмали методни амалга оширишда бир томондан ўқувчиларнинг идрок этишларига, иккинчи томондан уларнинг тасаввурларига таяниш самарали жиҳатдир. Математика дарсларида кўрсатмали методлардан тўғри фойдаланиш миқдорий тасаввурларнинг мазмунли тушунчаларининг шаклланишига имкон беради, мантиқий фикр юритиш ва нутқни ривожлантиради, аниқ ҳодисаларни қараб чиқиш ва таҳлил қилиш асосида кейинчалик амалда қўлланиладиган умумлаштиришларга келишга ёрдам беради.

Е) Амалий методлар. Малака ва кўникмаларни шакллантириш ва мукаммаллаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган методлар амалий методлардир. Бунга ёзма ва оғзаки машқлар, амалий лаборатория ишлари, мустақил ишларнинг баъзи турларини киритиш мумкин. Машқлар асосан мустаҳкамлаш ва билимларни татбиқ қилиш методи сифатида қўлланилади.

Машқ деб бирор амални ўзлаштириш ёки мустаҳкамлаш мақсадида режали равишда ташкил қилинган такрорий бажаришга айтилади. Машқлар санок малакалари, ҳисоблаш кўникмаси ва малакалари, арифметик масалаларни ечиш кўникмаларини вужудга келтириш учун ишлатилади. Машқлар муайян тизимда енгилдан мураккабга ўтиш тамойилига амал қилинган ҳолда ишлатилиши керак. Машқлар тайёрлаш, машқ қилдириш ва ижодий машқларга ўқувчиларнинг мустақиллигини ривожлантириши керак. У ёки бу амал, усул, масала ечишни мустаҳкамлаш учун дастлабки машқлар ўқитувчи раҳбарлигида бажарилади.

Ўқитувчи ўқувчиларга бирмунча вақт у ёки бу ёрдамни кўрсатади. Шундан сўнг машқлар мустақил бажарилиши мақсадга мувофиқдир. Ижодий характердаги машқларга масала вamisолларни турли усуллар билан ечиш,

ифода бўйича масала тузиш, қисқа ёзув схемасига кўра масала тузиш, идрок қилишга оид, жумбоқли характердаги масалаларни ечиш каби машқлар киради.

Миқдорлар ва уларнинг ўлчаниши билан таништиришда амалий ва лаборатория ишларидан тўла фойдаланилади. Амалий ва лаборатория ишларини ўтказиш ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини фаол равишда эгаллашларига имкон беради, мустақил ҳукм чиқариш ва хулосалар қилишга оид элементлар тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиради, ўқувчилар тасаввурини бойитади ва уларнинг билим доираларини кенгайтиради. Хар бир дарсда бир-бирига мазмунан яқин дидактик ўйинларга бир оз янги элементлар қўшиб фойдаланиш, бунда дидактик ўйинлар шартини тўғри изоҳлашга эътибор бериш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар;**

1. Ахмедова Н., Иноятова М., Матназарова К. Бошланғич таълимдаги муаммоларни бартараф этиш йўллари. Методик тавсиялар. – Т.: [library.ziyounet.uz/ru/book/download/16233](http://library.ziyounet.uz/ru/book/download/16233), 2015.

2. Бобоева, З. М. (2022). ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ. Ученый XXI века, (5-1 (86)), 22-25.

3. Бобаева, З. М. (2021). ФОРМИРОВАНИЕ ТОЛЕРАНТНОСТИ У ШКОЛЬНИКОВ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ ЭТНОКУЛЬТУРЫ РАЗЛИЧНЫХ НАРОДОВ. In Диалог культур и толерантность общения (pp. 66-71).

4. Бобаева, З. М. (2023). ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ И ПУТИ ЕГО РАЗВИТИЯ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ. Экономика и социум, (1-1 (104)), 183-191.

5. Бахир В.К. Развивающее обучение//Начальная школа. – 2004.

6. Борзова В. А., Борзов А. А. Развитие творческих способностей у детей. Самара, 1994